

Experience and practice of private sector financing in developed countries

The article deals with entrepreneurial practice of financing small and private businesses, the article highlights the need to experience the experience of different countries in Uzbekistan.

Key words: business, small business, private business, investment, financing, loan, real estate.

The purpose of our study of foreign experience in financing private entrepreneurship is to use the experience gained in developed countries in our country. Because small businesses are mainly young and risky in lower levels, in most countries this network is supported by the government.

In developed countries, government orders have a number of advantages. It provides both financial support and subsidies, as well as supply of scarce raw materials and other benefits. In addition, during public procurement, entrepreneurs do not worry about competitors, they have full access to equipment, and they can use productive power. For manufactured products, the price is fixed and high. Therefore, participation of small businesses and private entrepreneurship in public procurement is one of the specific forms of government support.

The visit of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev to Navoi region in March 2019 was timely. In Navoi region, issues such as the development of small businesses and private entrepreneurship sectors, their export, the development of sources for private entrepreneurship, which in turn show the importance of financing entrepreneurial subjects in foreign practice is crucial.

Chambers of resuscitation play a special role in solving the problem of financing small and private businesses. In particular, the small business administration will provide full support to small businesses in the US to obtain credit and guaranteed debt. The administration guarantees 90% of loan funds to creditors providing loans to small businesses, thus contributing to lowering the level of economic risks. At the expense of this organization direct loans are given to the following small enterprises: - Owners of Armed Forces veterans of the national minority; - Enterprises located in areas with high unemployment.

It should be noted that if the administration receives from the banks \$ 750,000, 75% of them are guaranteed at 80% if they do not exceed 100 thousand dollars. The duration of these guarantees is 10 years for working capital, and 25 years for fixed capital. The interest rate should not exceed 2.75% of the debt. One of the major programs implemented by this administration is to help expand and modernize existing small businesses. 19.6% of the funds are spent on this program. Other areas of administrative capital expenditure include small businesses (7.2 percent of total expenditure) and microcrediting (0.5 percent), created by two or more companies. In addition to the small business administration in the US, many companies invest in small businesses.¹

¹Горфинкель В. Я. «Малый бизнес»: учебное пособие. М.: КНОРУС. 2016г. 302-305 с

Thus, the authority to guarantee loans is provided by the Chamber of Commerce and Industry or by a separate department in the name of the government and financed by the government, as well as providing legal and financial services to small businesses, offering affordable financial resources, marketing services, it is difficult for them to understand that, besides, empowering the workforce to solve the problems of small businesses can help boost the capacity of the country's small business

They provide long-term loans to small and private businesses and help them manage their businesses.

In England, the main sources of small business financing are private individuals' savings and bank loans. The securities market plays a significant role in the provision of small businesses with financial resources, which are not listed on stock exchanges. Small businesses are widely used. More than 20% of UK small businesses receive loans from the UK's commercial and industrial corporations, controlled by the Bank of England and Clearing Banking. Government policy in the UK is aimed at increasing the commercial banks' interest in lending to small and private businesses, with a government program developed. Under this program, the state guarantees 70% of non-performing loans and 85% of heavily-capitalized regions. In such guarantee, the interest rate is 2.5% and the economic situation is heavy at 2%. The government guarantees over 70-80% of total loans. Each year, \$ 50 million will be used to cover the warranty. Pound sterling.²

The main areas of support for small and private businesses in Germany are the expansion and renovation of small and private businesses, the acquisition and establishment of new enterprises, the allocation of debts for the attraction of capital to the annual companies, the creation and maintenance of jobs for long-term investments, energy savings investment support for the implementation of targeted activities, subsidizing research and development activities and others. Also, the state program for business support has been developed and implemented. According to him, the entrepreneur will receive interest-free loans for the first two years and preferential loans in the following years. Privileged loans are provided by public institutions in accordance with the business plan and the targeted use of the loan is strictly controlled.³

In the system of government support for small and private businesses, their participation in the fulfillment of state orders plays an important role. In developed countries, government orders have a number of advantages. It provides both financial support and subsidies, as well as supply of scarce raw materials and other benefits. In addition, during public procurement, entrepreneurs do not worry about competitors, they have full access to equipment, and they can use productive power. For manufactured products, the price is fixed and high. Therefore, participation of small businesses and private entrepreneurship in public procurement is one of the specific forms of government support.

² Горфинкель В. Я. «Малый бизнес»: учебное пособие. М.: КНОРУС. 2016г. 302-305 б

³<http://www.m-economy.ru/сайти/>“Евразийская Экономическая Перспектива” Международный форум

Файзиева Нилуфар Шухрат қизи
ТДИУ таянч доктарант
Ел почта: odishawam@mail.ru
Тел: +998946764040

Ривожланган мамлакатларда хусусий тармоқни молиялаштириш тажриба ва амалиёти

Мақолада тадбиркорлик субъектлари хусусан кичик ва хусусий бизнес субъектларини молиялаштиришнинг хориж тажрибаси кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада турли хориж мамлакатлари тажрибаларини Ўзбекистонда қўллашнинг зарурияти талқин этилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, кичик бизнес, хусусий бизнес, инвестициялаш, молиялаштириш, кредит, кўчмас мулк.

Опыт и практика финансирования частного сектора в развитых странах

В этой статье рассматривается предпринимательская практика финансирования малого и частного бизнеса, в статье подчеркивается необходимость опыта работы разных стран Узбекистана.

Ключевые слова: хозяйствующие субъекты, малый бизнес, частный бизнес, инвестиции, финансирование, кредит, недвижимость.

Кириш

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий цивилизациясига назар ташлайдиган бўлсак, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичи муаммоларсиз, иқтисодий тебранишларсиз юз бермаган. Шу маънода хориж мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва минтақамизнинг тадбиркорлик салоҳиятини ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда илғор тажрибалардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида фаол тадбиркорлик тушунчасига тўхталиб: “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт”[1] деб таъкидлаган сўзлари мамлакатда давлат ва жамият ҳаётининг

барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш борасидаги ҳаракатлар билан бевосита боғлиқдир.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, республикада фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 238,5 мингтани ташкил этмоқда. Уларнинг 8,2 фоизи кичик корхоналар, 91,8 фоизи микрофирмалардир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат фаолияти билан банд бўлган аҳолининг республикада жами бандҳолига нисбатан улуши 78,3 фоизни ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53,3 фоизни ташкил этган.

Дунё мамлакатларида эса бу каби кўрсаткичлар таҳлил қилинганда, кичик бизнеснинг ЯИМдаги ҳиссаси Японияда 55 фоиз, АҚШда 52 фоиз, Германияда 54 фоиз, Қозоғистонда 25,6 фоиз ва Россияда 20 фоизда эканлигини кўриш мумкин.[2] Қайси давлатни олмайлик хоҳ у иқтисодий тараққий этган бўлсин, хоҳ у ўтиш даврида бўлсин, унда иқтисодий ривожланишнинг асоси бўлган хусусий молиявий қўллаб-қувватлаш давлат аҳамиятидаги долзарб тармоқни масала бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги бугунги фаол ўзгаришлар қулай молиявий воситалардан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил март ойидаги Навоий вилоятига ташрифи ҳам ани шу мақсадда амалга оширилган эди. Зотан Навоий вилоятида хусусий тадбиркорлик секторларини молиялаштириш манбаларини ривожлантириш, янги молиялаштириш манбаларини жорий этиш ва шу асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларини ривожлантириш уларни экспортга чиқариш каби масалалар кўтарилган эди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни хориж тажрибаси ўрганиш қай даражада муҳим эканлигини кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мақолани ёзиш давомида қуйидаги адабиётлар таҳлил қилинди. Жумладан, Т.А. Финкнинг “Халқаро амалиётда кичик ва ўрта бизнесни ривожланиши” деб номланувчи мақоласида ўрта ва кичик бизненинг ривожланиш тамойиллари ривожланган давлатлар тажрибасида талқин этилган.[2] Жумладан АҚШ ва Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаси мисол тариқасида келтирилган. С.В. Терёбованинг “Ўзбекистонда микромолиялаштиришни айни вақтдаги ҳолати” деб номланувчи Нью-Йоркда чоп этилган танқидий мақолада эса Ўзбекистондаги айни вақтда мавжуд бўлган молиялаштириш сиёсати ёритилган.[3] Ўзбек олимларидан эса Зокирова М.Ш., Абдуғаффоров А.А. “Иқтисодий моделлаштириш амалиёти” деб номланувчи китобда иқтисодий моделлаштириш амалиётида хориж тажрибалари қисман ёритилган.[4]

Таҳлил ва натижалар

Хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда хорижий тажрибани ўрганишимиздан мақсад, ривожланган мамлакатларда ўзини оқлаган тажрибаларни бизнинг мамлакатда қўллашдан иборат. Кичик бизнес тармоғи

асосан қўйи поғонадаги ёш ва riskли тармоқлардан ҳисоблангани боис кўпчилик давлатларда мазкур тармоқ давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Ривожланган мамлакатларда тадбиркорликни молиялаштиришнинг энг самарали усулларида бири бу давлат буюртмаларини бажаришдир. Бу усул бир қатор афзалликларга эгадир. Бунда, ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳам субсидиялар, ҳам тақчил хом-ашё билан таъминлаш, ҳам бошқа имтиёзларни ҳам берилади. Бундан ташқари, давлат буюртмаларини бажариш давомида тадбиркор рақобатчилар тўғрисида ташвиш чекмайди, асбоб-ускуналарни тўла, ишчи кучидан унумли фойдаланиш имконияти юзага келади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун барқарор ва юқори ҳақ олинади. Шу сабабли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари давлат буюртмаларини бажаришда қатнашиши уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос шаклларида бири ҳисобланади. Кичик ва хусусий бизнесни молиялаштириш муаммосини ҳал этишда савдо-саноат палаталари ўзига хос ўрин тутаяди. Хусусан, АҚШда кичик бизнес корхоналарининг кредит ва кафолатланган қарз ресурсларини олишига кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият ҳар томонлама ёрдам кўрсатади. Маъмурият кичик корхоналарга кредит тақдим этаётган кредиторларга қарз маблағларининг 90 фоизига кафолат беради ва бу билан иқтисодий хавф-хатар даражасининг пасайишига ҳисса қўшади. Ушбу ташкилот маблағлари ҳисобидан бевосита кредитлар қўйидаги кичик корхоналарга берилади: - корхона эгалари; - қуролли кучлар ветеранлари; - халқ вакиллари бўлган корхоналар; - ишсизлик даражаси юқори бўлган худудларда жойлашган корхоналар. Шунини таъкидлаш жоизки, маъмурият банклардан олинаётган қарз миқдори 750 минг доллардан ошмаса, унинг 75 фоизи, 100 минг доллардан ошмаса, 80 фоизи даражасида кафолат беради. Бу кафолатларнинг муддати айланма капиталлар учун 10 йилгача, асосий капитал учун 25 йилгачани ташкил этади. Фоиз ставкаси қарз миқдорининг 2,75 фоизидан ошмаслиги керак. Мазкур маъмурият томонидан амалга оширилаётган йирик дастурлардан яна бири фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарни кенгайтириш ва замонавийлаштиришга ёрдам беришдан иборат. Бу дастурга ушбу ташкилот маблағларнинг 19,6 фоизи сарфланади. Маъмурият маблағлари харажатларининг бошқа йўналишлари жумласига икки ва ундан ортиқ компания саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилаётган кичик корхоналарни молиялаштириш (жами харажатларининг 7,2 фоизи) ва микрокредитлашни (0,5 фоизни) киритиш мумкин.

АҚШда кичик бизнес ишлари бўйича маъмуриятдан ташқари кичик бизнесни инвестициялаш борасида кўплаб компаниялар фаолият кўрсатади.[5] Улар кичик ва хусусий корхоналарга узоқ муддатли кредитлар тақдим этадилар, бошқариш ишларига кўмаклашадилар.

Англияда кичик бизнесни молиялаштиришнинг асосий манбалари хусусий шахслар жамғармалари ва банк кредитлари ҳисобланади. Кичик бизнесни молиявий ресурслар билан таъминлашда фонд биржаларида қайд

этилмаган компаниялар қимматли қоғозлар бозори сезиларли рол ўйнайди. Кичик бизнесни молиялаштирувчи махсус фирмалар кенг тарқалган.

Инглиз кичик корхоналарининг 20 фоизидан кўпроғи Англия банки ва клиринг банклари томонидан назорат қилинадиган саноат ва савдо корхоналарини молиялаштириш корпорациясидан кредит оладилар. Англияда давлат сиёсати тижорат банкларининг кичик ва хусусий бизнес корхоналарини кредитлашдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу борада ҳукумат дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга мувофиқ, давлат қайтмаган кредитларнинг 70 фоизини, иқтисодий вазият оғир ҳудудларда 85 фоизини кафолатлайди. Бундай кафолатда фоиз ставкаси 2,5 фоизни, иқтисодий вазият оғир ҳудудларда 2 фоизни ташкил этади. Ушбу дастур бўйича давлат кафолатлари жами кредитларнинг 70-80 фоизини қамраб олади. Ҳар йили кафолатларни қоплаш учун 50 млн. фунт стерлинг ажратилади. [6]

Англияда кичик корхоналарга молиявий ёрдам бериш мақсадида бир қанча дастурлар ишлаб чиқилган. Улардан бири «Грантлар тузилмаси» бўлиб, дастурни маҳаллий корхоналарга ёрдам Агентлиги олиб боради. Унинг таркибига 200 дан ортиқ бюролар киради. «Корхоналарни ташкил этиш тузилмаси» дастури ишсизларга молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган. «Кредитларни кафолатлаш» дастури уч йилга мўлжалланган бўлиб, суғурта мукофотларини тўлашга қаратилган.

Англияда кичик бизнес корхоналари тоифасига 50 кишигача ишчиларга эга корхоналар киради. Бундай корхоналарнинг жамланма даромади 300 минг фунт стерлингдан ошмаслиги керак. Бу корхоналар кредитларнинг 80 фоизини давлат кафолати остида оладилар.

Англияда тижорат банклари кичик бизнесни молиялаштириш учун алоҳида дастурлар ишлаб чиққанлар. Масалан, Barclays Bank кичик бизнесни ривожлантириш учун иккита дастурни ишлаб чиқган. Биринчи дастурга кўра кредит 5 минг фунт стерлингдан 100 минг фунт стерлинггача, 5 йил муддатга 15-17 фоизлик ставка билан берилади. Иккинчи дастур бўйича кредитлар 5 минг фунт стерлингдан 500 минг фунт стерлинггача 2 йилдан 20 йилгача. Англия Банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси бўйича ажратилади. [7]

Германияда кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларига кичик ва хусусий корхоналарни кенгайтириш ва таъмирлаш, янги корхоналарни сотиб олиш ва ташкил этиш, ушбу мақсадлар учун йиллик компаниялар капиталларни жалб этишга қарзлар бериш, ишчи ўринларни барпо этиш ва сақлаб қолишга узоқ муддатли инвестициялар, энергияни тежашга қаратилган тадбирларни амалга оширишни инвестицион қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини субсидиялаш ва бошқалар киради. Шунингдек, Германияда бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ тадбиркорга биринчи икки йиллик фоолияти учун фоизсиз, кейинги йилларда эса имтиёзли кредитлар берилади. Имтиёзли кредитлар бизнес-режага мувофиқ давлат

ташкilotлари томонидан тақдим этилади ва кредитнинг мақсадли ишлатилиши қаттиқ назорат остига олинади.

1 –жадвал

Германияда банклар томонидан кичик бизнесни молиялаштириш учун берилган кредитлар (€)[8]

№	Кредитлар муддати	2016	2017	2018
	Германия банклари томонидан берилган Жами кредитлар суммаси:	1347,5	1403,1	1476,9
1	Қисқа муддатли кредитлар	174,3	180,8	201,9
2	Ўрта муддатли кредитлар	186,4	193,1	199,4
3	Узоқ муддатли кредитлар	986,8	1029,2	1075,6

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Германия банклари томонидан кичик бизнесни ривожлантириш учун берилаётган кредитлар салмоғи сўнги уч йилда доимий равишда ўсиб бормоқда. 2017 йилда кичик бизнес субъектлари учун асосий кредит тури бўлган, узоқ муддатли кредитлар 1029,2 млрд. еврога ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 46,4 млрд. еврога ортганини кўришимиз мумкин.

Германияда кичик бизнесни ривожлантириш дастурлари бошқа давлатлар сингари ишлаб чиқаришнинг илм-фан тармоқлари қўллаб-қувватлашга ажратилган. Германияда кичик бизнес коҳоналари тоифасига ишчилар сони 10 кишидан ошмайдиган ва йиллик айланмаси 1 млн. маркадан ошмайдиган кичик корхоналар киради. Ҳозирда уларнинг сони 4 млн. дан ошиқ бўлиб, ЯИМнинг 57 фоизини, жами экспортнинг 30 фоизини ва банд бўлган аҳолининг 70 фоизини ташкил этади. Кичик корхоналарни ташкил этишда инвестицияларнинг 40 фоизи кафолатсиз берилади, хусусан биринчи икки йилда имтиёзли кредитлар берилади. кредит суммаси 1 млн. маркагача, 20 йил муддатга 10 йил имтиёзли давр билан берилади. Ҳукумат дастурлари ҳисобидан янги ташкил этиладиган кичик корхоналар капиталида хусусий инвестиция компанияларининг қатнашишларини молиялаштириш мумкин. Киритиладиган улуш суммаси 1,5 млн. маркагача бўлиб, муддати 10 йил қилиб белгиланган. Риск бўйича

жавобгарликни инвестиция компаниялари олиб боради. Кредитларни ёки капиталга киритилган қарз улушларини қайтмаслик рискинни 80 фоизини ўз зиммасига олувчи ихтисослашган кафолат банклари мавжуд. Банкнинг 60 фоиз рискинни эса банк жойлашган федерал ерлар қоплайди.[9] Шу билан бирга, давлат халқаро кўргазмаларда иштирок этувчи кичик корхоналарни субсидиялайди.

Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари орасида кичик ва хусусий бизнесга энг катта ёрдам, биринчи навбатда, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш Японияда амалга оширилган.

Японияда ҳар йили 180 млрд иена бюджет маблағлари кичик ва хусусий бизнесга ажратилади. Бир қатор идоралар ва вазирликлар сметаларида махсус моддаларда кичик корхоналар учун маблағлар ажратилади. Кичик корхоналар давлат инвестициялари ва қарзлари дастурлари доирасида ҳам молиялаштирилади. Бироқ, бу маблағлар кичик фирмаларга бевосита эмас, балки тижорат асосида тижорат кредит муассасалари орқали йўналтирилади. Бундай муассасалар жумласига, хусусан, Япония ҳукумати иштирокида барпо этилган “Кичик бизнес корпорация”сини киритиш мумкин. Унинг асосий фаолият йўналишларидан бири кичик корхоналарга имтиёзли давлат кредитларини тақдим этишдир. Мазкур корпорация ҳар йили кичик фирмаларга 20 млрд иена миқдорида ёрдам кўрсатади. Кичик бизнесни кредитлаш ва давлат қарзларини бериш механизмини таъминлаш мақсадида Японияда Кичик бизнесни суғурталаш корпорацияси ва кредитларни кафолатлаш асоциациялари ташкил этилган. Кичик бизнес корхоналарини рағбатлантириш марказий ҳукуматдан то кичик корхоналарнинг мустақил бирлашмаларигача амалга оширилади. Марказий ва маҳаллий ҳукумат органлари юкори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этувчи кичик корхоналарни субсидиялайди. Бундай корхоналарга давлат кредитлашни таъминлаш мақсадида кафил булиш ва бошқа кредит кафолатларини беради.

Япония ЯИМнинг 60 фоиздан ортиғини кичик кичик бизнес улушиги тўғри келади. Япония иқтисодиётида кичик бизнес соҳаси 30 млн кишини (шу жумладан 1,4 млн. киши якка тадбиркорликда) иш билан таъминлайди. Бу мамлакатда банд бўлган аҳолининг 70 фоизини ташкил этади. Ушбу соҳада 4,7 млн корхона фаолият юритиб, ундан 32 фоизи ишлаб чиқаришга, 42,6 фоизи улгуржи-чакана савдога ва 25,4 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади. Япония ҳукумати сезиларли даражадаги бюджет маблағларини кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратмоқда. 2017 йилда бундай маблағлар 61,6 млрд. иенани ташкил этди. Бундан ташқари кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили имтиёзли шартларда давлат банклари томонидан 26,8 трлн. иен (225 млрд. доллар) ва хусусий банклар томонидан эса 233,3 трлн. иен (1,9 трлн. доллар) кредитлар ажратилади.[10] Японияда кичик бизнесни асосан ихтисослашган ташкилотлар молиялаштиради. Жумладан, Ишлаб чиқариш ва савдо марказий кооператив банки ссуда капиталининг 90 фоизи хусусий сектор орқали таъминланади. Кичик бизнесни молиялаштириш бўйича Давлат

корпорацияси кўшимча маблағга муҳтож сезадиган, хусусий молиявий институтлар олдида кредитга лаёқатлиги етишмайдиган, асосан рискли тармоқларда фаолият кўрсатувчи кичик бизнес корхоналарига асосий ва айланма капитални кенгайтириш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли кредитларни бериш билан шуғулланади. Молиялаштириш бўйича Халқ корпорацияси давлат қўйилмалари ёрдами билан микрофирмаларга кредит бериш билан шуғулланади. Бундай кредитлар кичик суммада, узоқ муддатга ва гаров талабларисиз ажратилади. Шунингдек кичик бизнесга берилган кредитларни кафолатлаш ҳамда суғурталаш махсус тизим ҳам фаолият юритади. Бу тизимда ассоциациялар фаолият кўрсатиб, кичик бизнесни молиялаштириш ва кредитларни суғурталаш давлат корпорациялари томонидан уларнинг йўқотишлари таъминланади.

Ривожланган мамлакатларда давлат буюртмаларини бажариш бир қатор афзалликларга эга. Бу ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳам субсидиялар, ҳам тақчил хом-ашё билан таъминлаш, ҳам бошқа имтиёзларни ташкил этади. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий табиркорлик ЯИМда юқори улушга эга бўлиши билан бирга, ривожланаётган мамлакатлар билан тақослаганда кредит портфелида 7,9 фоиз улушга эга бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда ортда қолмоқда. Илғор хориж тажрибасида кичик бизнес субъектларини кредитлашда, кичик бизнес субъектлари ўртасида махсус сўровномалар ўтказилиши ва унинг натижасида аниқланган камчиликлар асосида келгуси кредитлаш жараёнини ташкил этишни Ўзбекистон амалиётида қўллаш етарлича самара бериши маълум бўлди.

Хулоса

1.Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, инвестиция ва рақобат муҳитини яхшилаш, кичик бизнес билан давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги доирасида давлат харидлари ҳажмини кенгайтириш, йирик ва кичик корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инновацияларни яратишга кичик бизнес субъектларини жалб этиш орқали эришиш талаб этилади.

2.Етарли экспорт салоҳиятига эга бўлган, шу билан бирга, келгусида ривожланиш учун капитал етишмаслиги билан боғлиқ муаммога дуч келган кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

3.Солиқ имтиёзларини беришда танланган ёндашув хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш учун хизмат қилиши керак.

Таклифлар

1.Кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш, уларнинг бизнесини мустаҳкамлаш учун рағбатлантирувчи солиқ тизимини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2.Юртимизда хўжалик юритувчи субъектлар учун бериладиган солиқ имтиёзлари аниқ вазифа ва шартларнинг бажарилишига қараб ҳамда, муайян

бир истиқболли режани ўрганиш асосида кутилган самарага эришилишига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши ва таклиф қилинаётган лойиҳанинг янгилиги ва бериладиган имтиёзларнинг рақобат муҳитига таъсири эътиборга олинishi керак.

3. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг жорий таснифи ва қонунчиликдаги таърифини халқаро меъёрлар ва мезонларга уйғунлаштириш лозим.

4. Ҳозирда бизда тадбиркорлик субъектлари, асосан, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган ишчилар сонига қараб таснифланади, бизнинг фикримизча тадбиркорлик субъектлари аниқ бир тармоқда банд бўлган ҳодимлар сонидан ташқари капитал ҳажмига қараб ҳам таснифланиш механизми йўлга қўйиш керак.

5. Бундан ташқари, ўрта корхоналар таърифини жорий этиш имкониятларини ҳам кўриб чиқиш фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

6. Тадбиркорликни молиялаштиришда давлат буюртмаларини бажариш усулидан самарали фойдаланиш даркор.

Таъкидлаш жоизки, хорижий амалиётда ўрганиш ва қўллаш мумкин бўлган тажрибалар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистонда бирорта бир бюджетдан ташқари жамғармага кичик бизнес вакилларига берилган кредитларни қайтмаслигини кафолатлаш ваколати берилмаган. Бундай ваколатни на Савдо-саноат палатасида на бир нодавлат ташкилотида кўриш мумкин. Шундай экан:

7. Кредитларни кафолатлаш ваколатини Савдо-саноат палатаси таркибида ёки алоҳида бошқарма ҳукумат номидан иш кўриш ва молиялаштириш ҳамда унга қўшимча равишда кичик бизнесга юридик ва молиявий хизматларни кўрсатиш, арзон молиявий манбаларни таклиф қилиш, маркетинг хизматларини кўрсатиш, чунки, ҳозирда тижорат банклари ходимлари қайси бозор кўпроқ даромад келтиришини англашлари қийин, бундан ташқари меҳнат ресурслари муаммосини ҳал этиш ваколатлари юклатилиши лозим.

8. Тадбиркорлик субъектларини молиялаштитиришнинг инновацион янги усулларини жорий этишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Булар:

- тадбиркорлик субъектларини хорижий инвестицилар орқали молиялаштириш;

- тадбиркорлик субъектларини интеллектуал хусусиятига қараб молиялаштириш;

- тадбиркорлик субъектларини хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштириш;

- мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналарга молиялаштиришни ташкил этишда тенг ҳуқуқлар берилиши;

- ва бошқалар.

9. Ўзбекистон амалиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасида

кичик бизнес субъектларига кредитлар бериш юзасидан “кафолат бериш дастурини” йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

10. Хусусий бизнес субъектларини кредитлашда, хусусий бизнес субъектлари ўртасида махсус сўровномалар ўтказилиши ва унинг натижасида аниқланган камчиликлар асосида келгуси кредитлаш жараёнини ташкил этишни Ўзбекистон амалиётида қўллаш етарлича самара беради деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” // Т. “Ўзбекистон”, 2017. 20-б

2. Финк Г. А. “Малый и средний бизнес: зарубежный опыт развития” // Молодой ученый. – 2018. – №4. – С. 177-181.с

3. Терехова С. В.нинг “Ўзбекистонда микромолиялаштиришни айти вақтдаги ҳолати” // Нью-Йорк ва Женева. Small Business. -2017. -№ 8 22-25 б

4. Зокирова М. Ш., Абдуғафоров А. А. “Иқтисодий моделлаштириш амалиёти”. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 9-13 б. Горфинкель В. Я “Малый бизнес” М.: КНОРУС. 2017г. 302-305 с

6. Д. Бўриева “Хусусий тадбиркорликда кичик ва ўрта бизнеснинг моҳияти.” // Иқтисодиёт ва таълим. 2017. №1. 57-59-б.

Интернет сайтлари

7. <https://finance.uz/index>. Б. Хамидов “Инклюзивный бизнес в Узбекистане текущий состояние и перспектива развития” «БПК», №3, 2019. - 10-12 с

8. <http://www.m-economy.ru/сайти> Шауенова С. Б. “Социально-экономического развития государств Евразии и других зарубежных стран” // Проблемы современной экономики: Евразийская Международный научно-аналитический журнал №1 (69), 2019. -166-170 с

9. <https://sibac.info/conf/economy> Килина И. П. “Инновационные процессы в контексте развития экономического пространства регионов” // Актуальные вопросы экономических наук и современного менеджмента: сб. ст. по матер. XIX междунар. науч.-практ. конф. № 2(13). – Новосибирск: СибАК, 2019. – 56-60.с

10. <https://sibac.info/conf/economy> Алтынбаев А.Р. “Участие субъектов малого предпринимательства в государственных закупках с точки зрения теории в государственных теории и игр ”// Актуальные вопросы экономических наук и современного менеджмента: сб. ст. по матер. XIII-XIV междунар. науч.-практ. конф. № 8-9(10). – Новосибирск: СибАК, 2018. - 55-66.с